

## АТ «АЛОҚАБАНК»НИНГ ФАОЛИЯТИДАГИ МУҲИМ ФАКТ ҲАҚИДА ХАБАР

<b>ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ</b>					
1.	Тўлиқ:	Акциядорлик тижорат “Алоқабанк”			
	Қисқартирилган:	АТ “Алоқабанк”			
	Биржа тикерининг номи:	ALKB			
<b>АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ</b>					
2.	Жойлашган ери:	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.			
	Почта манзили:	100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.			
	Электрон почта манзили:	<a href="mailto:info@aloqabank.uz">info@aloqabank.uz</a>			
	Расмий веб-сайти:	<a href="http://www.aloqabank.uz">www.aloqabank.uz</a>			
<b>МУҲИМ ФАКТ ТўҒРИСИДА АХБОРОТ</b>					
Муҳим фактнинг рақами:		08			
Муҳим фактнинг номи:		Ижроия органининг таркибидаги ўзгаришлар			
шахснинг ваколоти тугатилган ҳолларда:					
Т/р	<b>Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқ номи</b>	<b>Лавозими</b>	<b>Тегишли акцияларнинг сони ва тури</b>		
1.	Қўқонбоев Умиджон Абдурахимович	Бошқарув Раиси ўринбосари. Банк Бошқаруви аъзоси.	176 250 дона	Имтиёзли	
шахс сайланган (тайинланган) ҳолларда:					
Т/р	<b>Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқ номи</b>	<b>Лавозими</b>	<b>Тегишли акцияларнинг сони ва тури</b>		
1.	Қўқонбоев Умиджон Абдурахимович	Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари. Банк Бошқаруви аъзоси.	176 250 дона	Имтиёзли	
2.	Рахматов Хасан Уткирович	Бошқарув Раиси ўринбосари. Банк Бошқаруви аъзоси.	12 375 дона	Имтиёзли	
3.	Кўрсатилган ўзгартиришлар тўғрисида эмитентнинг қарор қабул қилган органи:		Банк кенгаши		
	Қарор қабул қилинган сана:		2016 йил 29 март.		
	Баённома тузилган сана:		2016 йил 29 март.		
	Бошқарув органи баённомасидан кўчирма ва сайланган (тайинланган) шахснинг яшаш жойи кўрсатилган ҳолда паспорт маълумотлари**				
	Ўзгаргандан сўнг ижроия органининг таркиби:				
	Т/р	<b>Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқ номи</b>	<b>Лавозими</b>	<b>Тегишли акцияларнинг сони ва тури</b>	
1.	Абдурахманов Махмуд Сативалдиевич	Банк Бошқаруви Раиси.	295 083 дона 12 583 дона	Имтиёзли Оддий	
2.	Қўқонбоев Умиджон Абдурахимович	Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари. Банк Бошқаруви аъзоси.	176 250 дона	Имтиёзли	
3.	Бахриддинов Шарофиддин	Бошқарув Раиси ўринбосари. Банк Бошқаруви аъзоси.	169 375 дона	Имтиёзли	
4.	Рахматов Хасан Уткирович	Бошқарув Раиси ўринбосари. Банк Бошқаруви аъзоси.	12 375 дона	Имтиёзли	
5.	Бўронов Худоёр Омонович	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи. Банк Бошқаруви аъзоси.	290 500 дона	Имтиёзли	
6.	Абдукахаров Азиз Тулкунович	Юридик бошқарма бошлиғи. Банк Бошқаруви аъзоси.	8 000 дона	Имтиёзли	

Бошқарув Раиси ўринбосари

Ш.Бахриддинов

Бош бухгалтер

Х.Бўронов

Веб-сайтда ахборот  
жойлаштирган ваколатли шахс

М.Чагаев

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» КЕНГАШИ  
ЙИҒИЛИШИНИНГ 52 - сон БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

АТ «Алоқабанк» Кенгашининг йиғилиши 2016 йил 29 март куни, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темурашхон шохкўчаси, 4-уйда жойлашган АТ «Алоқабанк» биносининг мажлислар залида ўтказилди.

Йиғилишга банк Кенгаши Раиси Х.Мирзахидов раислик қилди.

Йиғилишда банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда қатнашаётган банк Кенгаши аъзолари сонини ҳисобга олган ҳолда, йиғилишни ўтказиш учун кворум борлиги тўғрисида маълумот берилди.

**К У Н Т А Р Т И Б И:**

**1. АТ «Алоқабанк» раҳбар ходимларини ўз лавозимларига тасдиқлаш тўғрисида.**

---

АТ «Алоқабанк» Кенгаши томонидан 2006 йил 26 январда тасдиқланган АТ «Алоқабанк» Кенгашининг банкка юқори малакали раҳбарларни ва ходимларни жалб этиш бўйича ваколатлари тўғрисидаги йиғилиш қарорига ҳамда АТ «Алоқабанк» Кенгаши ва Бошқаруви тўғрисидаги Низомларга асосан, банк Бошқаруви раиси ва аъзолари, Бошқарув раисининг ўринбосарлари, бош банкнинг департамент ва бошқарма бошлиқлари, Амалиёт бошқармаси ва филиал бошлиқлари, бош банк бош бухгалтери ва филиал бош бухгалтерлари ҳамда банкнинг ички аудит бошқармаси бошлиғи ва ходимларини ўз лавозимларига банк Кенгаши билан келишилган ҳолда тайинланишлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2016 йил 18 мартдаги 21-01-08/472-сонли хатига асосан, «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарларининг касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссияси» мажлисининг 2016 йил 18 мартдаги 6-сонли баёни қарори билан АТ «Алоқабанк»нинг Бошқарув Раиси биринчи ўринбосари лавозимига тавсия этилган номзод Қўқонбоев Умиджон Абдурахимович ҳамда Бошқарув Раиси ўринбосари лавозимига тавсия этилган номзод Раҳматов Хасан Уткировичлар суҳбат натижаларига кўра ушбу лавозимларга мувофиқ деб топилган.

**Банк Кенгаши ушбу масала муҳокамасидан сўнг**

**Қ А Р О Р Қ И Л Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2016 йил 18 мартдаги 21-01-08/472-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. АТ «Алоқабанк»нинг Бошқарув Раиси биринчи ўринбосари лавозимига тавсия этилган номзод Қўқонбоев Умиджон Абдурахимовичнинг

номзоди маъқуллансин.

3. АТ "Алоқабанк"нинг Бошқарув Раиси ўринбосари лавозимига тавсия этилган Рахматов Хасан Уткировичнинг номзоди маъқуллансин.

4. АТ "Алоқабанк" Бошқаруви Раиси М.Абдурахманов банк номидан лавозимга тайинланган раҳбар ходимлар билан меҳнат шартномасини имзоласин.

## **2. АТ "Алоқабанк" Бошқаруви аъзосини тайинлаш тўғрисида**

АТ "Алоқабанк" Уставида, Банк Бошқаруви камида етти нафар аъзодан иборат бўлиб, улар Марказий банк билан келишилган ҳолда Бошқарув Раиси тақдимномаси асосида банк Кенгаши қарори билан тасдиқланиши, шунингдек Банк Бошқаруви аъзолигига қоидага кўра Бошқарув Раиси ўринбосарлари, бош бухгалтер ва банк таркибий тузилмалари раҳбарлари киритилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Бошқарув Раиси ўринбосари лавозимига тайинланган Рахматов Хасан Уткировични Банк Бошқаруви аъзоси этиб тайинлаш масаласи йиғилишда муҳокама қилинди.

**Банк Кенгаши ушбу масала муҳокамасидан сўнг**

### **Қ А Р О Р Қ И Л Д И:**

1. АТ "Алоқабанк"нинг Бошқаруви аъзоси этиб, Рахматов Хасан Уткировичнинг номзоди маъқуллансин.

2. Мазкур қарор ижросини таъминлаш банк Бошқаруви (М.Абдурахманов) зиммасига юклатилсин.

Мажлис котиби  М. Султанов

